Сейфулло УБАЙДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабаси

БАҲОИЙЛАР ЖАМОАСИДА «19 - КУН УЧРАШУВИ»: ТАРКИБИЙ ҚИСМ, МОҲИЯТ ВА МАЗМУН

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар тинч, хотиржам, эмин - эркин яшаб келмоқда. Шунинг билан бир қаторда, Ўзбекистонда 182 та ноисломий диний ташкилотлар қонунга мувофиқ, фаолият юритиб келмоқдаки, бу ҳар бир фуқарони хоҳлаган динига эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини юртимизда юқори даражада таъминланганини англатади. Ўзбекистон Республикасида расмий рўйхатдан ўтган ташкилотлардан бири бу Баҳоийлар диний жамоаси бўлиб, бу конфессия 1992 йилда рўйхатдан ўтиб фаолият юритиб келмоқда. Жаҳон динлари бўлмиш христианлик, ислом ва буддавийлик каби динларда, дин уламолари, руҳонийлар ва рохибларнинг йиғилишлари ва ўша динга оид масалалар кўриб чиқилгани каби Баҳоийларда ҳам шундай йиғинлар мавжуд бўлиб, улардан бири “19-кун учрашуви”дир.

Бу учрашув ва йиғинларда баҳоийлар жамоаларида диндорлар бир-бирлари ва бошқа жамоалар билан турли-туман сабаблар туфайли, яъни, ибодат қилиш, динни ўрганиш, байрамларини нишонлаш, жамоа ишларини муҳокама қилиш, лойиҳалар тузиш, режаларни амалга ошириш, биргаликдаги фаолият жараёнларида нималарни ўрганганликларини таҳлил этиш ва бу ишни янада яхшилашни муҳокама қилиш учун ҳар ўн тўққиз кунда бир учрашиб туришади. Ва албатта, меҳр-муҳаббат ва уйғунликни биргаликда ҳис этиш, вақтни яхши даврада кўнгилли ўтказиш учун ҳам баҳоийлар бир-бирлари билан кўришиб туришади. Шуни ёдда тутиш лозимки, баҳоийлар бундай учрашувлари моҳиятан илоҳий ва унда руҳий салоҳият ҳиссаси бор ва унинг ўрнини катта, деб билишади. Шу ўринда йиғилиш ва учрашувларни ўтказиш ҳақида Боҳоуллоҳ шундай дейди: “Ўз ҳаётим ва ўз амрим билан қасамёд қиламан! Оллоҳнинг ҳабиблари кирадиган ва уларни Парвардигорни ҳамду сано этувчи хитоблари янграб турадиган истиқоматгоҳ атрофида барча ҳақиқий тақводорларнинг руҳлари ва жамийки фаришталар йиғилгайлар”[1]. “Бирдамлик ва тотувликни вужудга келтириш учун ташкил этилган ҳар бир учрашув бегоналарнинг дўстлашуви, ғанимларнинг ўртоқ бўлишига имконият яратиб беради…”[2]. Бундан ташқари, бундай учрашув ва йиғинларда баҳоийлар битикларидан парчалар ўқиш – буюк шодлик манбаи бўлибгина қолмай, бу Оллоҳ амрини ривожлантириш учун ҳам зарур, деб билишади. Баҳоуллоҳдан қуйидагилар келади дўстлар ва

[1] Баҳоуллоҳ, Bahai Meetings, comp., p. 3
[2] “Tablets of Abdul Baha Abbas”, Vol. 3, p. 553

яқинлар билан учрашиш ҳақида: “Дўстларнинг қайси жойда яшашларидан қатъий назар, учрашувлар учун йиғилиб туришлари ҳамда доно ва маънодор гапларни гапиришлари, Оллоҳ оятларини ўқишлари зарур, чунки, айнан, Аллоҳ Каломлари муҳаббат оловини ёқади ва уни янада порлоқ этади. Учрашувлар ўтказингиз, самовий таълимотни шундайин ўқиб куйлангизким, токи бу шаҳар ҳақиқат нури бирла тўлиб-тошсин ва бу мамлакат муқаддас руҳ воситасида ҳақиқий жаннатга айлансин, зотан ушбу давр – шавкатли Оллоҳ даври – ва инсоният дунёсининг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги оҳанглари Шарқ-у Ғарбдаги барча кишиларнинг қулоқларига етиб бориши керак”[3].

Баҳоийларнинг барча байрамлари орасида “19-кун учрашуви”, яъни ҳар ойнинг 19-кунида ўтадиган учрашувлар алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Баҳоийлар тақвими 30 ёки 31 кун эмас балким, ҳар бир ой 19 кунни ташкил этадиган 19 ойдан иборатдир ва ана шу ойларнинг ҳар бирида бўлиб турадиган учрашувларга ҳамманинг бориши лозимлигини Баҳоуллоҳнинг ўзи ёзиб қолдирган матнларда шундай таъкидланади: “Ҳақиқатан ҳам сиз ҳеч бўлмаганда сув билан манзират қилиб бўлса-да, ҳар ойда бир марта байрам ўтказиб туришингиз лозим. Зеро, ҳам заминий ҳам самовий воситалар билан кўнгилларни бирлаштириш Оллоҳнинг истагидир”[4].

“19- кун учрашуви” уч қисмга бўлинади. Биринчиси қисм – руҳий (маънавий) қисм бўлиб, бунда дуолар ва баҳоий жамоаларининг Муқаддас битикларидан иқтибослар ўқилади. Иккинчиси қисм эса – маъмурий қисм бўлиб, унда дўстлар жамоа ишлари борасида ўзаро маслаҳатлашишади. Учинчи қисм – моддий байрам, яъни ёру-биродарларнинг маданий учрашуви хисобланади.

Ҳар бир қисм баҳоийлар учун муҳим ҳисобланади. Биринчи қисм бўлмиш маънавий қисм ҳақида Баҳоуллох шундай дейди: “Эй боқий гўзалликнинг содиқ хизматкорлари! Ҳар бир ваҳий замони ва даврида байрамни севганлар ва эъзозлаганлар, Оллоҳ ҳабиблари учун таом тайёрлашни шарафли бир иш, деб билганлар. Шодиёнаси кўкларга кўтарилган ушбу кашфиётлар ва буюк саховатлар асрида бу байрам, айниқса, адолатли ҳисобланади. Зеро, уни Аллоҳ шон-шавкати учун, Унга хизмат қилиш учун ўтказиладиган учрашувлар билан тенг кўрган ҳолда эъзозлаймиз. Бунда муқаддас оятлар, самовий қўшиқлар ва ҳамду санолар матни тарқатилади, қалблар титроққа тушиб юксакларга парвоз этади”[5] деб айтиб ўтади. Байрамнинг маъмурий қисмида баҳоийлар жамоаларининг фаолияти ҳақидаги ҳисоботни эшитишади, ўз жамоаларидаги дин ишлари ҳақида маслаҳатлашишади ва уни янада ривожлантириш ҳақида фикр юритишади, бунда шунингдек, Умумжаҳон Адолат уйининг кўрсатмаларини билиб олишади ва маҳаллий кенгаш кўриб чиқиши учун таклифлар киритишадики, бу таклифлар кейинчалик Миллий Руҳоний кенгашга ва ҳатто, “Умумжаҳон Адолат уйи”га етказилади. “19-кун учрашуви” баҳоийлар жамоаси учун ниҳоятда муҳим байрамдир. Чунки, унинг ёрдамида ҳар бир диндор жаҳон баҳоийлар жамоаси фаолиятида иштирок етган, деб ҳисобланади.

Байрамнинг ижтимоий-маданий қисмига келадиган бўлсак, бу қисмни улар – биродарлик, меҳмондорчилик ва меҳр-муҳаббат пайти, деб билишади. Бу қисмда мусиқа қўйиш, илҳомлантирувчи нутқлар сўзлаш, болалар концертини режалаштириш, қисқаси, ўз табиатига кўра байрамнинг ушбу қисмига ҳаётий руҳ ва шодлик бахш этадиган, эътиборга лойиқ ва диққат билан саралаб олинган, маданият ва санъат парчалардан фойдаланиш мумкин бўлади. Бу “19-кун учрашуви” диний маъмурий тартиботнинг ноёб жиҳати ҳисобланиб, у жамоа ҳаётининг маънавий, маъмурий ва маданий жиҳатларини чамбарчас бирлаштиради. Бу ўринда ҳар учала қисмнинг аҳамияти тенг ҳисобланади. Чунки, байрамнинг муваффақияти ана шу қисмлар уйғунлигининг қанчалик тўғрилигига боғлиқ деб билишади. “Умумжаҳон Адолат уйи”нинг 1989 йил августидаги бутун жаҳон баҳоийларига йўллаган мактубида

[3] Абдул-Баҳо, Tablets of Abdul-Baha Abbas, vol. 3, p. 631
[4] Баҳоуллоҳ, Китоб-и-Ақдас
[5] Абдул-Баҳо, Избранное из Писаний Абдул-Баха, № 48

бундай дейилади: “Ҳазрати Баҳоуллоҳнинг Умумжаҳон Тартиботи кишилик жамияти ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олади; руҳий, маъмурий ва ижтимоий жараёнлар унинг доирасида бир бутунлик сифатида мужассам топади. Унинг шарофати ила инсон ўзлигини намоён қилишнинг ранг-баранг шаклларига, янги тамаддун яратишнинг умумий ўзанига интилиб боради. “19-кун учрашуви” жамият негизи бўлмиш ана шу жиҳатларнинг барчасини ўзида акс эттиради. Қишлоқ ва шаҳарларда нишонланадиган байрам барча баҳоий конфессиясидаги кишилар аъзо ҳисобланадиган институтдир. Унинг мақсади – бирдамлик учун имконият яратиш, ривожланишни таъминлаш ва шод-хуррамликни кучайтиришдир”[6].

Баҳоийларнинг эътиқодига кўра, “19-кун учрашуви”дек муҳим воқеага шоша-пиша тайёргарлик кўриш мумкин эмас. Ҳар бир диндор ибодат қилиш ва фикр-мулоҳазалар юритиш воситаси билан ўзини ушбу байрамга тайёрлаб бориши ва уни нишонлаш жараёнида эса, байрамнинг руҳий қисмида Битиклар ўқийдими ёки уларни шунчаки эшитиб турадими, ҳисобот берадими ёки ҳидоят нуқталарини тинглайдими, таклифлар киритадими ёхуд мезбонликни ўрнига қўядими, ёки меҳмоннавозликдан шунчаки шод-хуррам бўлиб ҳузурланиб ўтирадими – булардан қатъи назар, ўзининг бутун шуури ва қалби билан иштирок этиши лозим бўлади ва бундан бошқа нарсалар билан банд бўлиши, бошқа нарсаларга чалғиши мумкин эмас. Юқорида зикр этилган мактубда “Умумжаҳон Адолат уйи” яна бундай деб ёзади: “Байрамга тайёргарлик кўрилар экан, энг аввало, ушбу тантанага мос келадиган дуоларни саралаб олиш, уларни ўқийдиган хушовоз кишиларни топиш, умуман ҳамма нарсани шу даражада тайёрлаш керакки, натижада ибодат қисми тантанавор руҳда ўтсин ҳамда дастур эътиборга лойиқ даражада тақдим этилсин ва худди шу даражада кутиб олинсин. Байрамнинг қандай шароитда ўтказилишига, яъни, у ёпиқ бинодами ёки очиқ ҳавода ўтказилишига ҳам катта эътибор беришга тўғри келади. Озодалик, иштирокчилар эгаллайдиган саҳнадан тўғри фойдаланиш ва уни безаш – буларнинг барчаси муҳим аҳамиятга эга. Байрамни ўз вақтида бошлаш ҳам яхши тайёргарлик кўрилганликнинг белгиси ҳисобланади.

Байрамнинг муваффақиятли чиқиши ҳаммадан кўпроқ иштирокчиларнинг ҳар бири унга қай даражада тайёргарлик кўришига ва ўзининг қанчалик ҳиссасини қўша билишига боғлиқ.

Муаллим қуйидагича маслаҳат берадилар: “Ўн тўққизинчи кун йиғилиши”га ўта катта аҳамият берингким, бу тадбир жараёнида Оллоҳ ҳабиблари ва Раҳмон хизматкорлари ўз юзларини Унинг салтанатига қаратсинлар, муқаддас мадҳиялар куйласинлар, Оллоҳдан мадад сўрасинлар, уларнинг қалблари бир-бирларига бўлган сурур ва меҳр-муҳаббат билан тўлиб-тошсин, поклик ва муқаддаслик томон талпинсинлар. Оллоҳ азобининг даҳшатини ёдга олсинлар, ҳамда ҳою-ҳавас ва худбинликдан воз кечсинлар, ана шунда улар бу ўткинчи дунё илинжларидан халос бўла оладилар ва руҳ алангасидан ёна бошлайдилар”.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, баҳоийлар жамоаси учун “19-кун учрашуви” муҳим аҳамият касб этиб, бу йиғин улар учун конфессия аъзоларига диннинг арконларини тушунтиришда, Баҳоуллоҳ таълимотининг руҳий-фалсафий ўрнини аъзолар онгу-шуурида янада мустаҳкамлашда, аъзолар ўртасидаги диндошлик туйғусини оширишда ҳамда улар ўртасидаги руҳий яқинликни фаоллаштиришда ва энг муҳими инсонни дунёда юқори (кўтаринки) ҳиссиёт ва кайфиятда яшашга тарғиб этади. Баҳоийликнинг (нисбатан кам сонли аъзолари билан бўлса-да) унинг то ҳозиргача яшаб келаётганида юқоридаги гуманистик даъват ва ғояларнинг ўрни каттадир.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасида ҳам Баҳоийлик конфессияси вакиллари, бошқа ибодатлар билан бир қаторда, “19-кун учрашуви”ни эмин-эркин тарзда ўтказиб келаётганлари, ҳукуматимизнинг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунга оғишмай амал қилиб келаётганининг яққол далилидир.

[6] Умумжаҳон Адолат Уйи, ўн тўққизинчи Кун Байрами